

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi

Crossref

№23
25 декабрь

conferences.uz

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 6-ҚИСМ

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-6

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-6

ТОШКЕНТ-2020

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 23-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент  Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент  Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент  Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## ЖУРНАЛИСТИКА

**1. Ж.К. Марзияев, Н.Т. Темирханов, Г.М. Алеуатдинова**
ЭКОЛОГИК МАВЗУНИ ЁРИТИШ МАСАЛАСИ ........................................................ 7

## ЖУРНАЛИСТИКА

### ЭКОЛОГИК МАВЗУНИ ЁРИТИШ МАСАЛАСИ
**(Қорақалпоғистон матбуоти мисолида)**

***Ж.К. Марзияев, Н.Т. Темирханов, Г.М. Алеуатдинова***
***Қорақалпоқ давлат университети доценти,***
***ҚҚДУ талабалари***
***Телефон: +998934860503***
***janga-tv@mail.ru***

**Аннотация**: Ушбу мақолада охирги йилларда глобал муаммолардан бирига айланган экология мавзуси ва унинг оммавий ахборот воситаларидаги ёритилиши ўрганилган. Шунингдек, экология мавзусининг қорақалпоқ матбуотида тутган ўрни, матбуотдаги экологияга мавзусига доир мақолаларнинг журналистика жанрлари имкониятларидан фойдаланиши аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар**: Жамият, экология, муаммо, мавзу, атроф-муҳит, матбуот, мавзу, жанр, имконият, нашр.

Сўнгги йилларда жамиятда экологик муаммоларни бартараф этишга ва олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, бунинг асосий сабаби дунёнинг турли хил жойларида тўпланиб қолган экологияга оид муаммолардир. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали мазкур мавзулар бўйича ҳар хил чиқишлар ёритилмоқда. Чунки журналист ҳар қандай муаммони ёритишда, биринчи навбатда фактларга асосланади. Фактларни танлаш, тўплаш, саралаш, улардан фойдалана олиш унинг тажрибаси, қизиқишлари, соҳага оид терминологиядан билимга эгалиги, функциявий услублардан қай даражада хабардорлигига боғлиқ.

Экология мавзуини матбуот саҳифаларига муваффақиятли олиб чиқиш, жанрни танлай билиш, фактик материаллардан ўринли фойдаланиш журналистнинг тилдаги тасвир воситаларидан жанрга мос публицистик услубдан фойдаланиши маҳоратига ҳам боғлиқ.

Мазкур мавзунинг қорақалпоқ матбуотида ёритилишида экологик вазият жамиятда юз бераётган жараёнлар билан бевосита боғлиқ эканлиги кўзга ташланди. Масалан, Орол денгизини қутқариб қолиш учун мустақилликнинг дастлабки йиллари республикада қатор анжуманлар, давлат раҳбарлари иштирокидаги учрашувлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларни маҳаллий нашрлар ўз саҳифаларида батафсил ёритиб боришга ҳаракат қилишди. Шундай тадбирлар қаторига экологик фожиадан анча азият чеккан Қозоқдарё ҳудудига бағишлаб ташкил этилган республика раҳбарлари, мутасадди ходимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги тадбирни киритиш мумкин. Жумладан, «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 1992 йил 17 ноябрь сонида «Күнниң темасы» рукни остида «Қазақдәрья елиндеги үлкен мәсләҳәт»[1] мавзуидаги репортажда тадбирни акс эттиришда фотосуратлардан ҳам ўринли фойдаланилган. Репортажда журналист, ушбу элатнинг бугунги аҳволини акс эттириш учун ўз ҳис-ҳаяжонга ҳам эрк беради. Масалан, «Дарёнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш учун кўтарма қўйиш – ёмонликнинг олдини олиш бўлгани билан бизнинг чанқаб қолған элимизда «ҳали кўп сув келар ов» деган яхши умидни ҳам билдиради». Репортаждан мана шундай сатрларни кўплаб келтириш мумкин. Репортаж жонли, ҳаққоний чиқишик учун муаллиф маҳаллий аҳоли оддий сўзлашув услубларидан ҳам фойдаланилган.

1992 йилда Мўйноқ тумани Аспантай овулида Амударё сувининг қиш ойларида ўз қирғоқларидан чиқиб кетиши оқибатида шу ерда истиқомат қилаётган аҳолига жиддий

[1] Еркин Қарақалпақстан. 1992. 17 ноябрь.

талофат келтирган. Бу ҳақда республикадаги рус тилида чиқадиган газеталарда тезкор хабарлар бериб борилди. Масалан: «Для пострадавших от стихии»[1], «Последствия стихии преодолеваются»[2]. Шунингдек, ушбу талофат ҳақида матбуотда репортажлар ҳам берилди. Масалан, «Вода на подступах к Кунграду»[3], «Связь в ледовом плену»[4] деб номланган репортажларда талофатнинг ҳақиқий манзараси очиб берилган.

Хабар етказишда репортаж жанри имкониятларидан журналистлар фойланишининг асосий сабабларидан бири, унда ҳодиса жонли ифода топади. А.Б.Бобковнинг фикрича, «Репортаж, бу – журналистнинг ўзи иштирокчи ёки гувоҳи бўлган муҳим ҳодиса. Бугунги кунда бу жанр публицистик шаклга айланиб бормоқда. Репортажда муаллифнинг фикри катта аҳамият касб этади. Репортёр ўқувчиларга ҳодиса кўринишини барча босқичларида, яъни бошланишидан охиригача кўрсатиб беришга ҳаракат қилади»[5].

«Еркин Қарақалпақстан» газетасининг «Арал машқаласы додаланып атыр», «Президентлер Үргенишке кетти», «Миннетдармыз!»[6], «Вести Каракалпакстана» газетасининг «Обсуждается проблема Арала», «Президенты прибыли в Ургенч»[7] каби материалларда эса 1994 йилда Нукусда Орол денгизи бассейни муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг иштирокида ўтказилган анжуман ҳақида маҳаллий нашрларда хабарлар берилган. Эътиборлиси, Орол атрофидаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича бўлиб ўтаётган анжуман ҳақида икки газетада ҳам бир хил мазмундаги хабар берилган, холос.

Матбуотдаги интервью жанрида чоп этилган материалларнинг таҳлилига эътибор қаратар эканмиз, ижтимоий-сиёсий газеталардаги интервьюларда кўпинча респондентларга берилган саволларнинг ҳажми катта эканлиги ва айрим саволларнинг ўзи жавобларни акс эттириб тургандек сезилади. Масалан, «Суўдың да сораўы бар еди-ғой…»[8] деб номланган интервьюда журналист Т.Худайбергенов республикада таниқли қурувчи Ж.Абдимуратовдан «сув танқислиги пайтида қандай ҳаракат қилиш керак ва сув танқислиги йилларида қандай ўсимликларни экишга эътибор қаратиш керак?» ва бошқа шу каби саволларга жавоб олишга ҳаракат қилган.

Экология мавзуига оид рукнларда берилган материалларнинг аксарияти мақола жанрида. Маълумки, мақола воқеа, ҳодиса, жараён таҳлилига бағишланган бўлади. Унда номаълум фактлар очиб берилади, сабаблар аниқланади, аудиторияни эътиборини муайян бир воқеа, ҳодиса ёки шахсга қаратилади.

Экология муаммосини ҳар томонлама ўрганиб келаётган олимларнинг мақолаларини мунтазам чоп этиб келаётган «Вести Каракалпакстана» газетасидаги «Мутахассис мулоҳазаси» рукни остида берилган «Что может Аральское море?»[9] мавзуидаги мақолада Орол денгизининг бўшаган тубидан табиий қазилма бойликлар ва турли минералларнинг топилгани ва ушбу бойликлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги тўғрисида илмий далиллар келтирилади. Мақоланинг кириш қисмида бутун дунё бўйлаб қатор шундай экологик танг ҳолатда қолган ҳудудларда қазилма бойликлар топилиб, уларнинг халқ манфаати учун фойдаланилаётганлиги фактлар билан келтирилади ва Орол денгизи ҳудудидан топилган бойликларнинг ҳам халқимиз манфаати учун хизмат қилишига эътибор қаратади.

Умуман айтганда, қорақалпоқ матбуотида экология билан боғлиқ масалаларни ёритишда кўпроқ ахборий жанрлардан фойдаланилган. Шу билан бирга, маҳаллий нашрларда экология муаммоларини, айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни асраш билан боғлиқ бўлган тарбиявий тавсифдаги материаллар баҳс-мулоҳазали мақолалар кўринишига эга. Ушбу мақолаларда муайян муаммо кўзга ташланмаса ҳам, унинг асосий мақсади жамиятда маълум бир қарашларни шакллантириш ҳисобланади.

---

1 Вести Каракалпакстана. 1992. 9 январь.
2 Ушбу манба. 1992. 11 январь.
3 Ушбу манба. 1992. 11 январь.
4 Ушбу манба. 1992. 11 январь.
5 Бобков А.К. Газетные жанры: учеб. Пособие. – Иркутск. 2005. – С. 15.
6 Еркин Қарақалпақстан. 1994. 13 январь.
7 Вести Каракалпакстана.1994. 13 январь.
8 Еркин Қарақалпақстан. 2001. 11 январь.
9 Вести Каракалпакстана. 1992. 23 март.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Акопов А.И. Аналитические жанры публицистики. Письмо. Коррепонденция. Статья. Ростов-на-Дону. 1996. – 36 с.

2. Бобков А.К. Газетные жанры: учеб. Пособие. – Иркутск. 2005. – С. 15.

3. «Вести Каракалпакстана» газетаси

4. Гуревич С. М Репортаж в газете. – М. 1963. – 56.

5. «Еркин Қарақалпақстан» газетаси

6. Сизова Л.В. Экологические периодические издания / Л.В. Сизова//Типология периодической печати. – М., 2007. – 142 с.

7. Цвик В.Л. Введение в журналистику / В.Л. Цвик. – М.: МНЭПУ, 2000. – 59 с.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(6-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000